

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОСИРОВ ЖАСУР ТУРСУНПУЛОТОВИЧ

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ
БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Носиров Жасур Турсунпулотович

Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини

таъминлаш амалиётини такомиллаштириш 3

Носиров Жасур Турсунпулотович

Совершенствование практики обеспечения

финансовой устойчивости страховых компаний 25

Nosirov Jasur Tursunpilotovich

Improving the practice of ensuring the financial stability

of insurance companies 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 52

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОСИРОВ ЖАСУР ТУРСУНПУЛОТОВИЧ

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ
БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2020.4.PhD/Iqt1498 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziyoune» Ахборот-таълим порталида (www.ziyoune.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар: Бурханов Ақтам Усманович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Ташмурадова Бувсара Эгамовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Нуруллаев Абдулазиз Сирожиддинович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент


Етакчи ташкилот: «Кафолат сугурта компанияси» акциядорлик жамияти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.116.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» 07 куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdu@tsue.uz.


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1042 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdu@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «02» 07 куни тарқатилди.
(2021 йил 02.07 даги 9 -рақамли реестр баённомаси)




Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Б.Т. Бердияров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент


С.К. Худойкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги, асосан, уларнинг тўловга қобиллиги ва суғурта захираларининг миқдори билан белгиланади. «Халқаро рейтинг компанияси (ACRA¹)»га кўра, 2007-2019 йилларда аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси билан ЯИМнинг таркибида суғурта мукофотлари ўртасидаги боғлиқлик (Пирсон корреляцияси бўйича) коэффициенти 0,89ни ташкил этган. «Пандемия шароитида ривожланаётган давлатлар суғурта компаниялари кўпроқ зарар кўриш билан бирга, 2021 йилда суғурта мукофотлари улуши 3,6 фоизли пунктга пасайиши кутилмоқда»². Бу эса, суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали кредиторлар ҳамда суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажаришда муҳим аҳамият касб этмоқда ҳамда суғурта компаниялари олдида чекланган молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали инвестицион имкониятларни оширишга оид қарорлар қабул қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Хорижий мамлакатларда суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини илмий ёндашувлар ва эконометрик инструментлар ёрдамида таъминлаш, компаниялар самарадорлигини тармоқ ва соҳа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ошириш борасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда суғурта компаниялари фаолият самарадорлигини мультипликатив коэффицентлар орқали баҳолаш, молиявий барқарорликнинг миқдорий даражасини аниқлаш, молиявий барқарорликни таъминлашнинг халқаро стандартлар ва механизм асосида такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий тараққиётни таъминлашда суғурта компанияларининг аҳамиятини янада ошириш, уларнинг ЯИМдаги улушини босқичма-босқич ошириб бориш, қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини янада такомиллаштириш борасида «Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестицион фаолияти» тўғрисида низомда белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, суғурта хизматларини диверсификациялаш ҳисобига замонавий суғурта хизматлари жорий этиш ва мазкур жараёнларда аҳолининг фаол иштирокини самарали ташкил этиш кабилар суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» фармонлари, 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон

¹ ACRA (Analytical Credit Rating Agency) - халқаро кредит рейтингини таҳлил қилиш ва баҳолаш агентлиги.

² <https://forinsurer.com/20/09/07/38406-Which-insurance-markets-in-the-world-will-be-most-affected-by-COVID-19?>

«Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1060-сонли «Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғурта фаолиятини ташкил этиш, суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашга доир масалалар хорижий иқтисодчи олимлар С.Ритчер, Д.Рэш, М.Риккинен, П.Сарлин, А.Шарма, Д.Джади А.Архипов, Н.Петров, Е.Москалева, Л.Трофимова, Л.Цветкова, С.Куликов, Н.Никулина, С.Березина, Ю.Миронкина, Л.Иванова, Н.Аведисян, А.Гудковлар томонидан ўрганилган ва бу тадқиқотлар натижалари уларнинг асарлари ва илмий ишларида акс эттирилган³.

Сўнги йилларда мамлакатимизда молия бозорининг муҳим сегменти ҳисобланган суғурта бозори фаолиятини илмий-назарий муаммоларига доир кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, мамлакатимиз суғурта компаниялар фаолиятини самарали ташкил этиш ва молиявий барқарорлигини таъминлашга доир масалалар Х.М.Шеннаев, Қ.М.Қўлдошев, М.Х.Ходжаева, А.У.Бурханов, М.Т.Аскарова, Т.М.Баймуратов, А.С.Нуруллаев, С.Х.Умаров, И.Х.Абдурахмонов, Х.М.Боев, О.Т.Юлдашев, И.Ф.Кенжаев, Г.Т.Халикулова ва Г.Д.Адилованинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган⁴.

³ Richter SL., Resch D. (2021) Leadership in the Age of Artificial Intelligence-Exploring Links and Implications in Internationally Operating Insurance Companies. In: Dornberger R. (eds) New Trends in Business Information Systems and Technology. Studies in Systems, Decision and Control, vol 294., Riiikinen, M., Saarijärvi, H., Sarlin, P. and Lähteenmäki, I. (2018), «Using artificial intelligence to create value in insurance», International Journal of Bank Marketing, Vol. 36 No. 6, pp., Sharma, A., Jadi, D.M. & Ward, D. Analysing the determinants of financial performance for UK insurance companies using financial strength ratings information. Econ Change Restruct (2020).; Архипов А.П. Страхование: учебник / А.П. Архипов. - 3-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2016. - 336 с.; Петров, Н.В. Гражданско-правовое регулирование титульного страхования: автореферат дис... канд. юрид. наук. - Волгоград, 2011. - 32 с. - Б. ц. Москалева Е.Г. Методические подходы к проведению факторного анализа финансового результата деятельности страховой компании. //Финансы и кредит. 2013. № 40.; Трофимова Л.Б. Релевантная финансовая отчетность в условиях развития интеграционных процессов. Монография. М.: ИНФРА-М, 2016. 253 с.; Цветкова Л.И. Страховая компания как объект предпринимательства ее акционеров. //Страховое дело. 2015. № 4. С. 18–20.; Куликов С.В. Управление платежеспособностью страховщика. //Проблемы современной науки и образования. 2014. № 9. С. 57-60.; Никулина Н. Н., Березина С. В. Страхование: учебное пособие – М.: Юнити, 2015.; Миронкина Ю.Н., Звездина Н.В., Скорик М.А., Иванова Л.В. Актуарные расчеты. Учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. – М.: Издательство Юрайт, 2014.; Аведисян Н.Н. Совершенствование инструментов оценки финансовой устойчивости страховой организации. Автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – Краснодар 2013.; Гудков А.Н. Управление финансовой устойчивостью страховой организации. Автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – Иваново, 2009.

⁴ Шеннаев Х.М. Ўзбекистон суғурта бозори. – Т.: Иқтисод-молия, 2013.; Қўлдошев Қамариддин Мансурович Ўзбекистонда ўзаро суғурталашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. и.ф.д. (DSc) илмий

Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган олимларнинг илмий тадқиқот ишларида суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-услубий муаммолари, алоҳида суғурта турларини ривожлантириш, суғурта ташкилотларини молиявий ресурсларини самарали жойлаштириш, алоҳида тармоқ суғурта ташкилотлари фаолият механизмини такомиллаштиришга доир тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлаш амалиётини такомиллаштириш мавзуси алоҳида комплекс тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат эса, танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишларига мувофиқ «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғурта компаниялари молиявий барқарорлиги тушунчасининг иқтисодий мазмунига доир муаллифлик ёндашувини ишлаб чиқиш ва таркибий хусусиятлари аниқлаш;

суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини баҳолаш, таҳлил қилиш кўрсаткичларини таснифлаш ва асосий хусусиятларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда суғурта компанияларининг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш ва тегишли хулосаларни шакллантириш;

даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТМИ, 2020. 36 б.; Ходжаева М.Х. Суғурта фаолияти бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг ҳозирги аҳволи ва уни такомиллаштириш йуллари, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА-2001 13 б.; Бурханов А.У. Корхоналар молиявий барқарорлиги: назария ва амалиёт Монография – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2019. 160 б.; Аскарлова М.Т. Развитие системы страхования в обеспечении экономического роста в условиях рыночных преобразований в Республики Узбекистан, автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – Т.: Институт экономики АН РУз-2003. -15 ст.; Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа торташ механизмини такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: Давлат ва жамият қурилиши академияси-2004, 16 б.; Нуруллаев А.С. Ўзбекистонда фермер ва дехкон хўжаликларини суғурталаш масалалари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2007.-23 б.; Умаров С.Х. Страховой рынок Узбекистана: основные проблемы и тенденции развития. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – М., 2013. 26 стр.; Абдурахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА-2010 20 б.; Боев И.Х. Суғурта иши. Ўқув қўлланма.-Тошкент, 2007; Юлдашев О., Закирходжаева Ш. Ҳаёт суғуртаси. – Т.: Иқтисод-молия, 2019 й; Кенжаев И.Ф. Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т.: ТМИ, 2019. 26 б.; Халикулова Г.Т. Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т.: ТМИ, 2019. 28 б.; Адилова Гулнур Джурабаевна. Иқтисодий глобаллашув шароитида суғурта хизматларини такомиллаштиришнинг йўналишлари. иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т.: ТМИ, 2020. 24 б.

суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашда риск-менежменти механизмини ташкил этиш амалиётини таҳлил қилиш асосида илмий таклифларни шакллантириш;

суғурта компаниялари молиявий барқарорлик мониторингини ташкил этишда хорижий давлатлар тажрибасидан самарали фойдаланишга доир тадқиқотларни амалга ошириш;

суғурта компаниялари молиявий барқарорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ва бошқаришда халқаро моделлардан фойдаланиш амалиётини тадқиқ этиш асосида хулосаларни шакллантириш;

суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлаш амалиётини такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта компаниялари танланган.

Тадқиқотнинг предмети суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнида юзага келувчи иқтисодий-молиявий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, абстракт-манتيкий фикрлаш, истиқболли прогнозлаштириш, индукция ва дедукция, корреляцион-регрессион таҳлил сингари усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

устав капиталида давлат улуши бўлган суғурта компанияларида давлатнинг 25 фоизгача улушини босқичли режа асосида сотиш орқали қўшимча капитал ҳажмини ошириш таклифи асосланган;

даромадлар 20 фоизгача миқдордаги ажратмалар ҳисобига, уларни чегириладиган харажатларга киритган ҳолда суғурта захира жамғармасини мустаҳкамлаш таклифи асосланган;

огоҳлантириш чора-тадбирлар захираси (ОЧЗ)ни шакллантириш бўйича фоиз ставкаларини бекор қилиш асосида 25 фоизгача қўшимча молиявий ресурслар жалб этиш орқали компания молиявий барқарорлигини таъминлашга эришиш таклифи асосланган;

суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини баҳолашда интеграллашган кўрсаткичлар шкаласига суғурта захиралари ва номоддий активлар кўрсаткичларини киритишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«суғурта компаниялари молиявий барқарорлиги» тушунчасига доир хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг тарифларидан келиб чиққан ҳолда, такомиллаштирилган муаллифлик ёндашуви ишлиб чиқилган ва унинг асосий хусусиятлари аниқлаштирилган;

суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашда риск-менежменти механизмини ташкил этиш асосида эришилган натижалар миқдорий баҳоланган ва мазкур усуллардан компаниялар фаолиятида фойдаланишни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар асосланган;

маълумотларни қайта ишлашда статистик-математик усуллардан фойдаланиш асосида суғурта компаниялари самарадорлигини баҳолашда фойдаланилувчи кўрсаткичлар ишлаб чиқилган;

суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашга таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар аниқланган ҳамда алоҳида йўналишларга ажратган ҳолда таснифланган;

мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта компаниялари молиявий ва инвестицион фаолиятини диверсификациялаш асосида олинган фойда миқдорини ошириш имкониятлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган тадқиқот муаллифларининг илмий ёндашувларини ўрганиш, соҳага оид хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини тадқиқ этиш, эксперт баҳолаш натижалари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, суғурта компанияларининг расмий манбаларидан олинганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсияларни суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий жиҳатларини ривожлантириш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш асосида фойдани максималлаштириш, мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантиришга доир фундаментал тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти муаллиф томонидан ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар суғурта қилдирувчи ҳамда суғурта қилувчи томонидан ҳам молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, молиявий риск даражасини баҳолаш компаниялар молиявий барқарорлигини таъминлашда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижасида суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий натижалар асосида:

устав капиталида давлат улуши бўлган суғурта компанияларида давлатнинг йигирма беш фоизгача улушини босқичли режа асосида сотиш орқали қўшимча капитал ҳажмини ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ўз аксини топган («Кафолат суғурта компанияси» АЖнинг 2021 йил 8 январдаги 01-01/69-сон далолатномаси). Мазкур таклиф асосида «Кафолат суғурта компанияси» АЖ давлат улушининг 25 фоизи хусусийлаштириш мақсадида

сотувга қўйилди ва 2020 йил июнь ойида 22 млрд.сўмга инвесторлар томонидан сотиб олишга имконият яратилди;

даромадлар йигирма фоизгача миқдордаги ажратмалар ҳисобига, уларни чегириладиган харажатларга киритган ҳолда суғурта захира жамғармасини мустаҳкамлаш таклифи «Кафолат суғурта компанияси» АЖнинг 2021 йил 8 январдаги 01-01/69-сон баённома қарори асосида «Кафолат суғурта компанияси» АЖ фаолиятига жорий этилган («Кафолат суғурта компанияси» АЖнинг 2021 йил 8 январдаги 01-01/69-сон далолатномаси). Мазкур таклифни қўлланилиши орқали «Кафолат суғурта компанияси» АЖнинг 2019 йил якуни бўйича 680,0 млн. сўм захира фондига ажратиш имконини берган, бунинг натижасида тўловга қобилиятлилик маржаси 2,42 ни ташкил этишига эришилган;

огоҳлантириш чора-тадбирлар захираси (ОЧЗ)ни шакллантириш бўйича фоиз ставкаларини бекор қилиш асосида йигирма беш фоизгача қўшимча молиявий ресурслар жалб этиш орқали компания молиявий барқарорлигини таъминлашга эришиш таклифи «Kapital sug'urta» АЖнинг 2020 йил 22 декабрдаги 01/2838-сон баённома қарорида ўз аксини тонган («Kapital sug'urta» АЖнинг 2020 йил 22 декабрдаги 01/2838-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этиш «Kapital sug'urta» АЖ га 2020 йил ихтиёрий суғурта турлари бўйича 2 млрд. сўмдан ортиқ маблағни тежаш имконини берган;

суғурта захиралари ва номоддий активлар кўрсаткичларини суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини интеграллашган кўрсаткичлар шкаласига киритиш орқали молиявий барқарорликни прогноз қилиш таклифи «Кафолат суғурта компанияси» АЖнинг 2021 йил 8 январдаги 01-01/69-сон баённома қарори асосида «Кафолат суғурта компанияси» АЖ фаолиятига жорий этилган («Кафолат суғурта компанияси» АЖнинг 2021 йил 8 январдаги 01-01/69-сон далолатномаси). Мазкур таклифни жорий этиш натижасида «Кафолат суғурта компанияси» АЖнинг 2020 йилнинг 9 ой якунлари бўйича соф фойда миқдори 3 122,4 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,3 фоиз(%)га оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан: 1 та хорижий, 2 та халқаро, 2 та Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 3 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 та республикада ва 1 та хорижий журналда мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 128 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий-иқтисодий асослари**» деб номланган биринчи бобида суғурта компаниялар молиявий барқарорлиги тушунчасининг иқтисодий мазмуни, аҳамияти ва асосий хусусиятлари, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар, уларни бошқариш босқичлари ҳамда суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш кўрсаткичларининг таснифий жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, уларни аниқлаш услубиётига доир хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан турлича ёндашув ҳамда тарифлар келтириб ўтилган. Ч.Фридман ва К.Гудлетнинг фикрларича, компанияларнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини аниқлаш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, аниқ бир кўрсаткичларни ўзи молиявий барқарорлик ҳолати бўйича тўлиқ тасаввурни шакллантириш имконини бермайди. Ж.Г.Шиназининг фикрича, молиявий тизим, агар иқтисодий ресурслар, молиявий ҳатарлар, уларни баҳолаш ва бошқаришни самарали тақсимлаш амалга оширилсагина, барқарор ҳисобланади. Бу таъриф орқали муаллиф молиявий барқарорликка эришишнинг муҳим жиҳати ҳисобланган, яъни айнан рискларни баҳолаш ва уларни бошқаришга эътибор қаратади⁵.

Россиялик иқтисодчи олим С.В.Куликов суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини икки хил ёндашув асосида ўрганиб чиқади. Хусусан, биринчи ёндашувга мувофиқ бу (молиявий барқарорлик) «молиявий воситалар умумий миқдорида ўз капиталининг белгиланган улушининг мавжудлиги», иккинчи ёндашувга мувофиқ эса, «корхонанинг молиявий ресурслари ҳолати, тўлов лаёқати ва кредит лаёқатини сақлаб қолишда капитал ва фойданинг ўсиши учун тақсимлаш ва фойдаланиш самарадорлиги» тушунилади⁶. А.П.Архиповнинг фикрича, «Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлик тушунчасини, бугунги кунда ва истиқболдаги бозорнинг бошқа иштирокчилари олдида ўз мажбуриятларини бажариш қобилияти сифатида таърифлаш мумкин. Молиявий барқарорлик бир томондан, суғурта компаниясининг ўз маблағларлари ва қабул қилинган суғурта мажбуриятлари нисбати сифатида, бошқа томондан эса, молиявий натижа олишга йўналтирилган фаолият:

⁵ Garry J. Schinasi, 2005, Safeguarding financial stability: theory and practice/Garry J. Schinasi – Washington, D.C.: International Monetary Fund. -pp. 94-97

⁶ Куликов С.В. Методология страховой науки. //Вестник НГУЭУ. – 2008. - №1

андеррайтерлик (рискни баҳолаш) ва тариф (суғурта рискига мос келадиган суғурта хизмати нархи) сиёсати, суғурта захиралари ва ўз маблағларини инвестиция қилиш, рискни қайта суғурталаш ва бошқалар сифатида аниқланади⁷.


Муаллифнинг фикрича, суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини тавсифлашда тўловга лаёқатлилиқ кўрсаткичидан ташқари, риск шароитида суғурта компаниясининг ташқи иқтисодий муҳитдаги ўзгаришларга мослаша олиш имкониятлари ҳам баҳолашни лозим. Чунки молиявий барқарорликни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳам, риск мавжуд бўлган ҳолатда молиявий ресурсларни оптимал жойлаштириш ҳисобланади. Муаллиф ишлаб чиққан таърифда ҳам молиявий барқарорликни таъминлашда ташқи иқтисодий муҳит ва риск шароитида молиявий ресурсларни оптимал жойлаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш лозим деган хулосага келинди.

Суғурта компаниялари молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил қилишда унга таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни таснифлаш ҳамда уларнинг асосий хусусиятларини ёритиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни умумий ёндашувга мувофиқ ташқи (бошқариш имконияти мавжуд бўлмаган) ва ички (бошқариш имконияти мавжуд) омилларга ажратиш мумкин (1-расм).

Таъкидлаш лозимки, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи асосий ташқи омиллардан бири мамлакатдаги мазкур тизимни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ҳисобланади. Айнан суғурта бозори фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини мукамал даражада ишлаб чиқиш компанияларда стратегик лойиҳаларни амалга ошириш, оптимал қарорлар қабул қилиш, молиявий барқарорликка эришиш асосида самарали фаолият юритишни таъминлайди. Бундан ташқари, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи асосий ички омиллар сифатида суғурта компанияларида корпоратив бошқарув механизмини самарали ташкил этиш, суғурта турлари ва хизматларини диверсификациялаш имкониятлари, риск-менежментнинг тўғри ташкил этилиши, суғурта портфелини оптималлаштириш, суғурта захираларининг миқдори сингари муҳим омилларни келтириб ўтиш мумкин.

Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун дастлаб миқдорий баҳоланувчи омилларни ажратиб олиш лозим. Амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, миқдорий баҳолаш имконига эга ички омиллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: ўз маблағлари ва суғурта захиралари етарлилиги, инвестиция сиёсати, тариф (нарх) сиёсати ҳамда қайта суғурталаш.

⁷ Архипов А.П. Финансовый менеджмент в страховании М.: Финансы и Статистика; ИНФРА-М, 2010.-320 с.



1-расм. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар таснифи⁸


Суғурта қилувчининг самарали фаолият юритиши ва ишончли суғурта ҳимояси кафолатланиши учун компанияни ривожлантириш, унинг молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда суғурта тўловларини амалга ошириш мақсадида фойдаланилувчи тегишли маблағлар мавжуд бўлиши зарур. Бундай талабларни бажариш учун эса компаниялар етарли миқдордаги ўз маблағлари ҳамда етарли миқдордаги суғурта захиралари мавжуд бўлган ҳолатда бўлиши керак. Суғурта қилувчининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун етарли миқдордаги ўз маблағларига эга бўлиши қўшимча чоралардан бири ҳисобланади. Ўз маблағлари компанияни янада ривожлантириш учун

⁸ Муалиф томонидан тузилган.

сарфланиши мумкин, суғурта захиралари маблағлари эса етарли бўлмаган вазиятда суғурта мажбуриятлари бажарилишининг қўшимча манбаи сифатида фойдаланилиши мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг амалдаги ҳолати таҳлили**» деб номланган бўлиб, ушбу бобда Ўзбекистонда суғурта компанияларининг макроитисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти ва ривожланиш тенденциялари, «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ва баҳолаш амалиёти ҳамда суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашда риск-менежмент механизмини ташкил этиш амалиёти таҳлил қилинган бўлиб, мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта компанияларининг молиявий фаолият натижалари, истиқболли стратегиялари, инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари амалий маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда илмий-амалий хулосалар шакллантирилган.

2019 йил якунлари бўйича жами суғурта мукофотлари ҳажми аввалги йилларга нисбатан ўсиш тенденциясига эга бўлиб, жами 1727,55 млрд.сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2014 йилда 439,1 млрд.сўмни ташкил этганлиги ҳисобга олинса, таҳлил қилинаётган даврда салкам 4 баробарга ошганлигини таъкидлаш мумкин (2-расм).



2-расм. Суғурта мукофотлари ва суғурта тўловларининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм)⁹

2020 йилнинг 9 ойлик якунлари бўйича ушбу маълумотлар таҳлил қилинса, жами суғурта мукофотлари ҳажми 1343,7 млрд.сўмни ташкил этган

⁹ www.mf.uz-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилнинг 9 ойлик яқунлари нисбатан 102 %га ошган. 2019 йилнинг 9 ойлик яқунларига кўра, суғурта тўловлари ҳажми 147,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилнинг 9 ойлик яқунлари бўйича 178 %га ошган ҳолда 262,6 млрд.сўмга етган.

Ўз навбатида, 2019 йилнинг яқунлари бўйича эса суғурта тўловлари ҳажми 284,09 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан деярли 4 баробарга ошганлигини таъкидлаш мумкин. 2018 йил яқунларига кўра, мавжуд суғурта шартномалари бўйича суғурталовчилар суғурта мажбуриятларининг умумий ҳажми 599,86 трлн. сўмга етган бўлса (2017 йилга нисбатан жами ўсиш 11,3%), бу кўрсаткич 2020 йилнинг 9 ойлик яқунларига кўра 969,9 трлн. сўмдан ортган.

Таъкидлаш лозимки, кейинги расм маълумотлари орқали суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлаш, миқдорлар олдидаги мажбуриятларни бажариш, истиқболда инвестицион имкониятларни амалга оширишга доир маълумотлар келтирилган. 2014 йилда жами суғурта захиралари ҳажми 345,8 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб, 3,2 баробарга ошиш ҳисобига 1112,2 млрд.сўмга етган. Бундан ташқари, суғурта захиралари ҳажми ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2014 йилда бу кўрсаткич 523 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йил яқунларига келиб, 1385,2 млрд.сўмга етган.

Таҳлил маълумотларини давом эттирган ҳолда, қайд этиш мумкинки, суғурта компанияларининг ҳисобот даври мобайнида активлари сал кам 3 баробарга ортганлиги суғурта компаниялари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган инвестицион имкониятларга кенг имконият яратиш беради. Мос равишда кейинги йилларда юқоридаги кўрсаткичларнинг ижобий тенденцияга эга бўлиши натижасида суғурта компаниялари томонидан амалга оширилган инвестициялар ҳажми 2014 йилда 623,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб, 3 баробардан ортиқ миқдорга ошганлигини кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, суғурта компаниялари томонидан асосий хизмат турларидан ташқари қўшимча молиявий таъминот манбаини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

«Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил қилган ҳолда, 2017 йилда компания активлари ҳажми 107,9 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йил якунига келиб, салкам 166,0 млрд.сўмга етганлигини таъкидлаш мумкин. Худди шунингдек, суғурта захиралари ҳажми 2017 йилда 58099,7 млн.сўмни ташкил этган бўлса, икки йил мобайнида 46000,0 млн.сўмдан ўсиш ҳисобига 2019 йилга келиб, 104112,7 млн.сўмдан иборат бўлган. 2017 йилда жами инвестицион қўйилмалар миқдори 43645,7 млн.сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йил яқунларига кўра деярли 2 баробарга ошган ҳолда 84031,3 млн.сўмга етган (3-расм).



3-расм. 2015-2019 йилларда «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти суғурта захиралари, активлар ва инвестиция фаолияти ҳажмининг ўзгариш динамикаси, (млн.сўмда)¹⁰

Суғурта компаниялари ликвидлик коэффициентларини таҳлил қилишда умумий ва жорий ликвидлик, «хавф даражаси мавжуд» (критик) ликвидлик, пул захиралари ликвидлиги, тезкор ва мутлақ ликвидлик сингари асосий кўрсаткичларига эътибор қаратиш лозим (1-жадвал).

1-жадвал

«Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти ликвидлик коэффициентлари таҳлили¹¹

№	Кўрсаткичлар	Белгиланган меёр	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1.	Баланс умумий ликвидлиги	1,0 <	0,22	0,24	0,34	0,24	0,22
2.	Жорий ликвидлик	1 дан 1,3 гача	0,21	0,23	0,33	0,23	0,21
3.	Критик ликвидлик коэффициенти	2 ≤	0,26	0,25	0,52	0,34	0,31
4.	Пул захиралари ликвидлиги	1,0 <	0,13	0,09	0,11	0,09	0,04
5.	Тезкор ликвидлик-1	1,0 <	4,25	4,22	3,92	4,82	6,97
6.	Тезкор ликвидлик-2	1,0 <	3,01	2,62	1,87	3,13	4,33
7.	Мутлақ ликвидлик	0,5 – 1,0	0,15	0,093	0,101	0,13	0,11

¹⁰ <http://www.kafolat.uz/uz/#uz/content/about/general/-Кафолат> СК нинг расмий веб сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

¹¹ «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамиятининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

«Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамиятининг баланс умумий ликвидлиги таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида ўсиш ва камайиш тенденциясига эга бўлган бўлса-да, асосий коэффициентнинг ҳолати белгиланган меъёрдан камлигича қолмоқда.


Жорий ликвидлик коэффициенти суғурта компаниясининг асосий молиявий барқарорлик кўрсаткичларидан бири бўлиб, умумий ликвидликдан узоқ муддатли дебиторлик қарзларини чегириш орқали баланснинг жорий ликвидлигини ифодалайди. Мазкур коэффициент суғурта компаниясининг жорий ҳолатини баҳолаш имконини беради ҳамда бир ҳисобот йили мобайнида қисқа муддатли мажбуриятларни жорий активлар ҳисобига бажара олиш имкониятини кўрсатади. Халқаро умумқабул қилинган стандартларга мувофиқ мазкур коэффициент 1 дан кичик бўлмаслиги ва 1 дан 1,3 гача ораликда бўлиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, 2015-2019 йиллар мобайнида «Кафолат суғурта компанияси» АЖнинг жорий ликвидлик коэффициенти бўйича белгиланган меъёрларнинг ярмига ҳам бормаганлиги салбий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, аниқланган нисбатнинг 1 дан кам бўлиши, суғурта компаниясида қисқа муддатли мажбуриятларни бажариш бўйича етарлича маблағлар мавжуд эмаслигини кўрсатади ҳамда компаниянинг молиявий риск даражаси юқорилигини англатади.

Жорий ликвидлик коэффициентининг паст даражада бўлиши, янги суғурта хизматларини жорий этиш ва маҳсулотларини реализация қилишдаги қийинчиликлар, юқори дебиторлик қарзлари мавжудлиги ва бошқа сабабларга кўра келиб чиқиши мумкин.

Халқаро амалиётда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда фойдаланилувчи муҳим кўрсаткичлар қаторига устав капитали рентабеллиги, умумий тўловга лаёқатлиликни қоплаш коэффициенти ва ўз маблағларининг қарз маблағларига нисбати коэффициентларини киритиш мумкин. «Кафолат суғурта компанияси» АЖнинг 2015-2019 йиллар мобайнида устав капиталининг рентабеллик коэффициенти мустаҳкамланиш тенденциясига эга бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилда 0,09 ни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб, 0,1 коэффициентга ошиш ҳисобига 0,19 дан иборат бўлган.

Таҳлил қилинаётган давр мобайнида «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамиятининг ўз маблағларининг қарз маблағларига нисбати коэффициенти ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлса-да, бунда энг юқори кўрсаткич 2017 йилга тўғри келаётганлигини кузатиш мумкин. Умуман, бу кўрсаткич молиявий барқарорликни ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, компания ўз капитали миқдори қарз маблағлари миқдоридан қанча кўплигини кўрсатиб беради. Халқаро умумэтироф этилган меъёрларга мувофиқ, бу кўрсаткич 1 дан юқори бўлиши тавсия этилади, чунки коэффициентнинг миқдори қанча юқори бўлса, компания ўз мажбуриятларини мос равишда бажара олиш имкониятга эга эканлигини кўрсатади (4-расм).



4-расм. «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти молиявий барқарорлик коэффициентлари таҳлили¹²

Юқорида таъкидлаганидек, «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамиятининг мазкур кўрсаткичи таҳлил қилинаётган даврда ошиши, инвесторлар томонидан кутилаётган даромад миқдорини ошириш имконини беради. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти ўз маблағларининг қарз маблағларига нисбати коэффициентлари ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлса-да, бунда энг юқори кўрсаткич 2017 йилга тўғри келаётганлигини кузатиш мумкин.

Умуман, бу кўрсаткич молиявий барқарорликни ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, компания ўз капитали миқдори қарз маблағлари миқдоридан қанча кўплигини кўрсатиб беради. Халқаро умумэтироф этилган меъёрларга мувофиқ, бу кўрсаткич 1 дан юқори бўлиши тавсия этилади, чунки коэффициентнинг миқдори қанчалик юқори бўлса, компания ўз мажбуриятларини мос равишда бажара олиш имкониятга эга эканлигини кўрсатади.

Суғурта компаниялари молиявий барқарорлик ҳолатини ифодаловчи муҳим коэффициентлардан бири унинг капитали етарлилиги ва инқироз эҳтимоллигини баҳолаш кўрсаткичлари ҳисобланади. Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, суғурта компаниялари дастлабки фаолиятни ташкил этиш жараёнида тўловга қобиллик даражасини ўз маблағлари ҳисобига таъминласа, кейинги фаолият босқичларида эса ўз маблағлари ва суғурта захиралари ҳисобига таъминланади. Шунга мувофиқ, суғурталовчининг ўз маблағларини қоплаш учун етарлилиқни баҳолаш қуйидаги жадвал маълумотларида келтирилган (2-жадвал).

¹² «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамиятининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2-жадвал

Суғурта компаниялари хусусий капитали етарлилигини миқдорий баҳолаш кўрсаткичлари

№	Хусусий капиталнинг етарлилик даражаси (CAR)*	Баҳолаш кўрсаткичлари
1.	< 0	Етарли эмас
2.	0 дан 25% гача	Нормал
3.	26 дан 50% гача	Яхши
4.	51 дан 75% гача	Ишончли
5.	> 75%	Юқори

*инглиз тилидаги номланиши CAR-Capital Adequacy Ratio бўлиб, хусусий капиталнинг мавжуд қарздорликларни қоплаш учун етарлилик коэффициентини баҳолайди.

Хусусий капиталнинг етарлигини баҳолашга доир коэффициентлардан фойдаланган ҳолда, тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти мисолида таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги натижаларни аниқлаш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

«Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти хусусий капитали етарлилик коэффициентлари таҳлили¹³

№	Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1.	Хусусий капитал (млн.сўмда)	35832,1	39919,3	43681,3	48504,9	55536,7
2.	Жами активлар (млн.сўмда)	75267,1	84601,1	107928,9	117260,4	165773,8
3.	Мажбуриятлар (млн.сўмда)	5254,6	6592,1	14248,5	11483,5	10965,7
4.	Жами даромадлар (млн.сўмда)	44588,9	60275,1	70033,1	87957,7	108024,1
5.	Капиталнинг ўртача миқдори (млн.сўмда)	37875,7	41800,3	46093,1	52020,8	59065,05
6.	Солиқ тўлагунга қадар фойда (млн.сўмда)	3063,2	3567,4	4306,1	4310,9	7160,4
Мос равишдаги коэффициентлар						
7.	Хусусий капитални етарлилик даражасини ифодаловчи коэффициент	0,4760	0,4718	0,4047	0,4136	0,3350
8.	Хусусий капиталнинг мажбуриятларга нисбати коэффициенти	6,8191	6,0556	3,0656	4,2238	5,0645
9.	Хусусий капиталнинг айланувчанлик коэффициенти	1,1772	1,4419	1,5193	1,6908	1,8289
10.	Хусусий капиталнинг рентабеллик коэффициенти	0,0808	0,0853	0,0934	0,0828	0,1212

¹³ «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамиятининг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

